

**“Йилнинг энг яхши китобхон мактаби” кўрик-танловини ўтказиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида “Йилнинг энг яхши китобхон мактаби” кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Кўрик-танлов ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида республика миқёсида ўтказилади.

2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари

3. Кўрик-танловнинг мақсади:

китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириш;

ўқувчиларга миллий ва жаҳон адабиётини тизимли тарғиб қилиш орқали уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятини шакллантириш;

кўрик-танлов ўқувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш.

4. Кўрик-танловнинг вазифаси умумтаълим мактабларининг ўқувчи ва ўқитувчиларини бадиий адабиёт мутолаасига бўлган қизиқишларини ошириш орқали кекса авлодга ҳурмат туйғуларини шакллантиришдан иборат.

3-боб. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

5. Кўрик-танлови ҳудудий ахборот-ресурс марказлари масъуллигида май-июль ойлари давомида умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида қуйидаги уч босқичда (туман (шаҳар), ҳудуд, республика) ўтказилади.

Кўрик-танловда ҳар-бир муассасадан (жами 6 нафар), 1 нафар Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1 нафар “Она тили ва адабиёт” фани ўқитувчиси, 1 нафар кутубхоначи, 1 нафар ёшлар етакчиси ҳамда 2 нафар китобхон ўқувчи (1 нафар қиз, 1 нафар ўғил) иштирок этади.

а) биринчи (туман (шаҳар)) босқичи - туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан 20 майга қадар умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилади. Туман (шаҳар) миқёсида ғолиб бўлган 1 та умумтаълим мактабининг ҳужжатлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини томонидан тасдиқланган ҳолда **10 июнга қадар** ҳудудий ахборот-ресурс марказига тақдим этилади.

б) иккинчи (ҳудудий) босқич - ҳудудий ахборот-ресурс маркази томонидан тузилган ишчи гуруҳи томонидан 25 июнга қадар туман (шаҳар)да ғолиб бўлган умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилади. Ҳудудий босқичда ғолиб бўлган 1 та умумтаълим мактабининг ҳужжатлари вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган ҳолда **5 июлга қадар** Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

в) учинчи республика босқичи - жорий йил июль ойининг охиригача 10 кунлигида республика ташкилий қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида белгиланган манзилда ўтказилади.

4-боб. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

7. Кўрик-танлов иштирокчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан 100 баллик баҳолаш мезони асосида баҳоланади.

8. Кўрик-танлов 4 та шарт бўйича баҳоланади:

а) 1-шарт - Умумтаълим мактаби аъзолари мактаб ҳақида маълумот беради. Таништирув миллий урф-одатларимиз, ўзбекона лутф ва ахлоқ талабларига мос равишда бўлиши лозим (иштирокчилар республика босқичида бир хил формада иштирок этишлари лозим). Мазкур шартда мактаб томонидан китобхонликни тарғиб қилиш бўйича олиб борилган ишлар, китобхонлар учун яратилган шароитлар, “Китобхонлар байрами” тадбирлари ва “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинацияларини ташкил этилиши самарадорлиги юзасидан видеоролик шаклда амалга оширилади. Ушбу шартга 5 дақиқадан ортиқ вақт ажратилади ва 20 баллгача баҳоланади.

б) 2-шарт - Энг кўп китоб ўқиган жамоа викторинаси бўлиб, унда ўзбек ва жаҳон адабиётидан ҳамда 2019 йил февраль-май ойларида бадиий адабиётларни мутолаа қилиш учун синф раҳбарлари, она-тили ва адабиёт ўқитувчилари, кутубхоначилар ва ёшлар етакчилари иштирокида “Китоб ҳафталиги” тадбирлари давомида ўқувчилар **48 номдаги** ўзбек ва жаҳон

мумтоз адабиёти туркумига киревчи асарлар рўйхатидан саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг китобхонлик даражаси аниқланади.

Ушбу шартда туман (шаҳар) босқичида 30 дона (20 дона ўзбек адабиётидан, 10 дона жаҳон адабиётидан), ҳудудий босқичда 40 дона (30 дона ўзбек адабиётидан, 10 дона жаҳон адабиётидан), Республика босқичида 50 дона (30 дона ўзбек адабиётидан, 20 дона жаҳон адабиётидан) бадий китоблар ҳақида тузилган саволлар орқали ғолиблар аниқланади. Мазкур шартда ҳар бир жамоа учун 10 тадан савол берилади. Ушбу шартга 2 дақиқагача вақт ажратилади ва 20 баллгача баҳоланади.

Ушбу шартда республика босқичи иштирокчилари учун ташкилий кўмита томонидан китоблар рўйхати юборилади.

в) **3-шарт** - Китобхонликни тарғиб қилиш бўйича етакчининг роли мавзусида бўлиб, ушбу шартда ёшлар етакчиси томонидан китобхонликни тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш бўйича ўз таклифларини тақдимот (презентация) шаклида (видеоролик, слайд, кўргазмали воситалар) ҳимоя қилади. Ушбу шартга 4 дақиқагача вақт ажратилади ва 30 баллгача баҳоланади.

г) **4-шарт** - Эркин мавзуда бўлиб, иштирокчилар ўзлари танлаган эркин мавзу ва йўналиш бўйича ўз иқтидорини намойиш этишлари (кўшиқ, рақс, мусиқа, монолог ёки театрлаштирилган сахна кўриниши) мумкин. Ушбу шартга 7 дақиқагача вақт ажратилади ва 20 баллгача баҳоланади.

Ҳар бир шарт бўйича белгиланган вақтдан ўтиб кетган тақдирда, умумий жамланган баллар ҳисобидан 5 баллгача ҳакамлар ҳайъати томонидан олиб ташланади.

5-боб. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

7. Ташкилий кўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланадилар:

а) 1 та I-ўрин, 1 та II-ўрин, 1 та III-ўрин:

б) куйидаги номинациялар:

“Энг зукко маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари”;

“Энг ташаббускор она-тили ва адабиёт ўқитувчиси”;

“Энг фаол ёшлар етакчиси”;

“Энг билимдон кутубхоначи”;

“Энг китобсевар ўқувчи”.

Кўрик-танловнинг қолган барча иштирокчиларига Халқ таълими вазирлигининг “Кўрик-танловнинг фаол иштирокчиси” дипломи топширилади.

6-боб. Якуний қоидалар

8. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий кўмита томонидан тасдиқланади.

9. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

10. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.